



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 90 (8080).

12 май
пайшанба
1983 йил

Баҳоси 3 тийин.



ОБЛАСТИМИЗИНИНГ
БИР КУНИ

КАЛЕНДАРДА—
1985 ЙИЛ

Айриданга «Резинотехника» заводининг ўзбекистон Ленин комсомол мукофоти лауреати А. Эриқбоев бошлиқ комсомол-ешлар бригадаси аъзолари бир йилликда икки беш йиллик планнинг бажаришга сўз берилган эди. Ёшлар ваъдаларига вафо қилмоқдалар. Улар календарда 1985 йилнинг июнь ойи бошланди.

Бригада аъзолари бу ютуққа иш соатида унумли фойдаланиш, ускуна ва хомашини оқиндан тайёрлаш, қўшимча касбларни ағалаш эвазига эришмоқдалар. Қўшимча касб катта резерв эканлиги ҳозир ҳар бир йилнинг кўндаларидан маълум. Шу босқинда ҳам бригаданинг ҳар бир аъзоси икки-уч хил касбини ағалашга, вақти келганда бир-бирларининг ўрнини босишга интиломоқдалар.

ҚЎЗИ ОЛИШ
МАЖБУРИЯТИ
БАЖАРИЛДИ

ПАРКЕНТ. «Коммуна» совхозини айлово-ларда 5 минг бош қўй боқилмоқда. Шундан 2300 боши совлиқ қўйларини ташкил этади. Фидокор чўпонлар қўзлатиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказдилар. Ўзаро мусобақада Абдулқадир Алмазов бош чўпон бўлган отар чорвадорлари, айниқса, яхши натижаларга эришдилар. Бу ерда ҳар 100 бош совлиқдан илгари қабул қилинган мажбуриятдаги 110 бош ўринга 148 тадан қўзи олинди. Бу қўзларнинг аксарияти ўстириш учун қолдирилди.

Шунингдек, Сетоя Амедов, Ёлдош Имомов, Рустам Мирзабоев сингари чўпонлар ҳам яхши натижага эришдилар. Зиммага олган мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Айни кунларда совхозда жун қирғиш ҳам қизиб бормоқда. Чўпонлар бу йил 16 тонна юксак сифатли жун топириш учун сўз берганлар. Улар, албатта, бу ваъдаларини ҳам шараф билан бажарадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИИ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎРТОҚ С. Т.
ТОШҚУЛОВА
«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
ХОДИМИ» ФАХРИЙ
УНВОНИ БЕРИШ
ТЎҒРИСИДА

Партия, совет органларида кўп йил самарали ишлагани учун ва туғилган кунига олтинчи йил тулғини муносабати билан Халқ депутатлари Тошкент област Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбасари ўртоқ Сергей Тошқулова «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ХАЙДАРОВА.
1983 йил 11 май,
Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ОБЛАСТЪ қишлоқ хўжалик меҳнат-кашлари КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажара бориб 1983 йилда чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, унинг озуқа базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юзасидан белгиланган тадбирларини бажариш йўлида қатъий иш олиб бормоқдалар. Бу йил областъ бўйича сугориладиган эски бездорларнинг ҳар гектарида камидан 200 центнердан пичан, 600 центнердан маккажўхори кўк массаси ва озуқа лавлагиси олиш, 800 минг тонна дағал озуқа, шу жумладан, 450 минг тонна пичан, 270 минг тонна сенаж тайёрлаш, 800 минг тонна силос бостириш, 30 минг тонна ўт уни тайёрлашга қарор қилинди.

Совхоз ишчиларининг, колхозчиларининг ва хизматчиларининг меҳнат активлигини янада ошириш, уларнинг бутун ижодий куч-қайратини 1983 йил учун қабул қилинган озуқа етиштиришга оид тадбирларининг муваффақиятли

бажарилишига сафарбар этиш мақсадида областъ партия комитети, областъ ижроия комитети, областъ касаба союзлари Совети, областъ комсомол комитети районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасида 1983 йилда озуқа етиштириш ва тайёрлашни қўлайитириш учун областъ социалистик мусобақасини ўтказишга қарор қилди. Областъ социалистик мусобақаси шартлари тасдиқланди. Социалистик мусобақа қўлиблари бўлган районлар, совхозлар ва колхозларини мукофотлаш учун областъ партия комитети, областъ ижроия комитети, областъ касаба союзлари совети ва областъ комсомол комитетининг урта кўча Қизил байроғи таъсис этилди. Бу байроқларнинг биттаси қўлиб чиққан районга, биттаси совхозга ва биттаси колхозга берилди. Шунингдек, илгори рағбатлантириш учун биттадан енгил автомашина ажратилди.

Район партия комитетлари, қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавот ва тайёрлов

органлари ходимлари касаба союзлари областъ комитетлари, колхоз-совхозларнинг раҳбарлари ва бошланғич партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари эътиборига социалистик мусобақа шартларини ҳар бир совхоз ишчиси, колхозчи ва хизматчига етказиш, озуқа етиштириш ва тайёрлаш билан шуғулланиётганларга юксак унвон билан ишлаганлари ва қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажаришлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бериш вазифаси юклатилди.

Областъ ва район газеталари, областъ телевидениеси ва радиотанитириш бош редакцияларига колхозлар, совхозлар, район ва шаҳарларнинг корхоналари ва ташкилотлари ўртасидаги озуқа базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, қишлоқга зарур миқдорда озуқа жамғариш учун ўтказилганга социалистик мусобақанинг боришини кенг ёритиш, ишлаб чиқариш илгори ва пешқадам коллективларини тажрибасини ҳар томонлама пропаганда қилиш тоширилди.

МЎЛ, СИФАТЛИ ОЗУҚА ЕТИШТИРАЙЛИК

ТОШКЕНТ областъ қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми қарорлари билан келиб чиқадиган вазифалар асосида чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш мақсадида озуқа ишлаб чиқаришни ривожлантириш юзасидан белгиланган программани бажариш йўлида қатъий иш олиб бормоқдалар. Қўпгина колхозлар, совхозлар, ем-хашак бригадалари коллективлари озуқа экинларини парвариш қилишда илгор агротехникани кенг қўлланиш, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг коллектив бригада пудратини жорий этиш асосида озуқа тайёрлаш тадбирларини муддатидан илгари бажариш юзасидан олиб қилинган таъминлаш мажбуриятлар қабул қилиб, 1983 йилда сугориладиган майдонларнинг ҳар гектарида 220—250 центнердан беда пичани, 800—900 центнердан маккажўхори кўк

1983 ЙИЛДА ОЗУҚА ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШНИ ҚЎЛАЙТИРИШ ТАДБИРЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН РАЙОНЛАР, СОВХОЗЛАР ВА КОЛХОЗЛАР СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ

ШАРТЛАРИ

массаси, 800—1200 центнердан озуқа лавлагиси олиш учун курашмоқдалар, озуқа экинларини ўриб-йиғиб олиш, қаслаш ва қайта ишлашда илгор технологияни қўллаш ва шу асосда озуқанинг сифатини яхшилашга қарор қилилди.

Ишчиларнинг, колхозчиларнинг меҳнат активлигини ошириш ва ижодий таъаббусларини ривожлантириш, озуқа ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш программасининг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш мақсадида Тошкент областъ партия комитети, областъ ижроия комитети, областъ касаба союзлари Совети ва областъ комсомол комитети 1983 йилда озуқа

етиштириш ва тайёрлашни қўлайитириш тадбирларини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилганга областъ социалистик мусобақасини қўйидаги шартларини эълон қилди:

масвум давомидида озуқа тайёрлашда энг юқори ўсишга эришган ва Яиллик планни муддатидан илгари бажарган районлар, совхоз ва колхоз коллективлари социалистик мусобақа қўлиб бўладилар. Ишга яқин яшайдиган таъминлаш мажбуриятларига озуқа (тонна), шу жумладан, сенаж, беда пичани, илдиэмева (лавлаг), тайёрланган ўт уни ва бостирилган силос ҳисобга олинадилар.

Мусобақа май ойда бошланиб, сентябрнинг охирига

ча давом этади. Иш натижалари областъ комиссияси томонидан қўриб чиқилгандан сўнг областъ партия комитети, областъ касаба союзлари Совети ва областъ комсомол комитети мусобақага ҳар ойда икки марта яқин асбоб боради.

Яқин яшаш учун зарур бўладиган материаллар областъ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, областъ мева-сабзавот маҳсулотлари агросаноат бирлашмаси, областъ статистика бошқармаси томонидан ҳар ойнинг 16 ва 1 кунларида бериб боради.

15 кунлик давомидида озуқа тайёрлашда юқори натижага эришган районга, биттадан совхоз ва колхозга областъ партия комитети, областъ ижроия комитети, областъ касаба союзлари Совети ва областъ комсомол комитетининг кўча Қизил байроғи берилди ҳамда ишлаб чиқариш илгорида енгил автомашина ажратилди.

КОЛЛЕКТИВ ПУДРАТНИ БАРЧА БРИГАДА ВА ЗВЕНОЛАРДА ЖОРИЙ ЭТАЙЛИК

ТЕРМИЗ. 11 май. (ЎзТАГ). Бу ерда бўлиб ўтган республика семинар-кеңашига КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси, Белгороддаги Бутуниттифок кенгаши талабалари асосида коллектив пудратни қишлоқ хўжалигида жорий этиш соҳасидаги вазифалар муҳокама қилинди. Семинар-кеңашда республика миносстрликлари ва идораларининг раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари, областъ партия комитетларининг секретарлари, областъ ижроия комитети раисларининг ўринбасарлари, областъ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаларининг бош-ликлари, район агросаноат бирлашмаларининг раислари, касаба союз ва комсомол органларининг ходимлари, қишлоқ хўжалик илгори қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолари қатнашди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кириш нутқи сўзлаб семинар-кеңашни очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбасари Б. Р. Раҳимов «Республика қишлоқ хўжалигида коллектив пудратни жорий этиш вазифалари тўғрисида» доклад қилди. Сурхондарё областъ партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов областъ колхоз ва совхозларида коллектив пудратни қўллашнинг амалиётини тўғрисида доклад қилди.

Докладларни муҳокама қилишда Тошкент областъ партия комитетининг секретари М. Қ. Қодиров, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик эконимикаси илмий-тадқиқот институтининг директори С. Н. Усмонов, Самарқанд район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси Т. Турақулов, Қашқадарь областъ, Нишона районидида Карл Маркс номида колхоз пахтачиллик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Хазратқулова, Қорақалпоғистон АССР Нукус районидида «ВЛКСМ 50 йилгига» совхоз шойлиқлик бригадасининг бошлиғи А. Нажимов, Фарғона областъ Фарғона районидида Ленин номида совхоз сабзавотчилик звеносининг бошлиғи К. Абдурахимов, Жиззах областъ,

Бунда бригада пудратини жорий этиш муҳим роль ўйнайди. Пудрат — меҳнатни оқилона ташкил этиш ва унга пировард натижаларга бевосита боғлиқ ҳолда ҳақ тўлаш демократ. Янги система юқори сифатли маҳсулот олишдан ходимларнинг манфаатдорлигини оширади, уларнинг шахсий манфаатларини коллектив, хўжалик манфаатлари билан бирга қўшиб олиб бориш имконини беради, ҳар бир меҳнаткашнинг масъулияти ва активлигини қўлайитиради. Пудрат — ҳар бир ходимнинг ишлаб чиқаришнинг бешқарма бевосита иштирок этишини, унинг иқтисодий билиминини ошириш демократ.

Нарядсиз системанинг афзалликларини турмушнинг ўзи аққол кўрсатиб турибди. Коллектив пудрат асосида ишлаётган бригада ва звенолар майдон бирлигидан анча юқори ҳосил олмақдалар. Ана шу бригада ва звеноларда меҳнат унумдорлиги юқори, таннарх арзон, капитал маблағлардан анча кўпроқ самара олинмоқда. Меҳнаткашларнинг меҳнатга ишбай ҳақ тўланадиган системада бўлгани каби қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш борадидаги ишларнинг ҳажимдан эмас, балки пировард натижалардан, сифатли маҳсулот олишдан шахсий манфаатдорлигини пудратнинг асосий ҳусусиятидир. Бу ҳол ҳар бир меҳнаткашнинг ерга, машиналарга, сувга нисбатан аҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга, бажариш ишларни намунали ва энг яхши агротехника муддатларида бажаришга ундайди.

Республикада меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги формасини кенг жорий этишга биринчи даражада эътибор берилмоқда. 1980 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий


Комитетининг қарори қабул қилиниб, унда партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига республиканинг барча зоналарида, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида нарядсиз системани жорий этиш борасидаги ишларни қўлайитириш топирилган эди.

Эндиликда бу ишда тўпланган каттагина тажриба-лар тўғрисида гапирш мумкин. Етмишчи йилларда янги метод асосида айрим бригада ва звеноларгина ишлаган бўлса, 1980 йилга келиб бундай бригада ва звенолар уч миңгадан ошиб кетди, ўтган йилда эса 18735 та ёки бригада ва звенолар умумий сонининг ярми процентдан кўпроғи янги метод асосида ишлади.

Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент областларининг хўжаликларида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги формаси айниқса кўп оммалашди. Бу областларда барча ишлаб чиқариш бўлиминларининг 80 процентга қадари коллектив пудрат асосида ишлагани ўтказилган.

Семинарда коллектив пудрат деҳқончиликнинг барча тармоқларида жорий этилган Сурхондарё областининг тажрибаси қўриб чиқилди. Ўтган йили 3546 далалчилик бригадаси — жами сонининг 87 процентини нарядсиз система асосида ишлади. Хўжалик ҳисобига тузи кейинги йили йилда 1326 бригадир ва ҳисобчининг штат лавозимларини қисқартириш, меҳнатни ҳисобга олиш борадидаги ҳужжатлар ҳажимини кескин қамайтириш имконини берди. Бир йилда тежаб қоллинган иш ҳақи икки миллион сўмдан ошди.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш илгор фор-



Коммунистик районидида «Политотдел» колхозининг ўртоқ Ким Гим Нен бошлиқ бригадаси деҳқонлари маккажўхори парваришини намунали ўтказмоқдалар. Айни кунларда ҳар қатра сувдан тежаб фойдаланиб,

ниҳоллар қондириб сугорилмоқда. Бунда илгор сувчи Карим Умаровнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Суратда: маккажўхорини сугориш пайти. В. ПОРТНОВ фотоси.

СУВ — БОИЛИГИМИЗ

СУВ ТАҚЧИЛЛИГИГА ҚАРШИ

Ўрта Чирчиқ районидида «Ленин йўли» колхозининг пахтазорларида сув чиқарадиган электр насос станцияси фойдаланишга топирилди. У Тошкент каналда қурилган бўлиб сувни 20 метр баландликка кўтариб беради. Сув тақчиллигини бартараф этиш тадбирларида шу станциянинг қуриш кўзда тутилган эди. Районда йил бопидан бери жами 119 та электр ва дизель насос станциялари ўрнатилди. Уларнинг кўплари коллектор ва

завур сувидан фойдаланишга мўлжалланган. Районда канал қирғоқларини бетонлаштириш борасида ҳам анчагина ишлар қилинди. Охунбобоев номида колхозининг тошқоқ еридан «Қўмариқ» каналига ҳам бетон «тўн» қопланди. Бу ерда аввал сувнинг 25 проценти ерга сингиб кетарди. Энди бунга барҳам берилди. Николаева-Терешко-ва номида колхоздаги «Равотак» канали участкаси ҳам бетонлаштирилди. (ЎзТАГ мухбири).

СЎНГИ
СОАТДА

ХОШИМИН

ВСР балиқ хўжалиги илгори-ларининг бу ерда бўлиб ўтган кенгаши қатнашчилари балиқ маҳсулотларини экспорт қилишга янада кенгайтириш ма-салаларини муҳокама қилди-лар.

Балиқ овлаш— Вьетнам эконимикасининг энг жадал ривожланган тармоқларидан биридир. Давлат корхона-рини ташкил этиш билан бир-га партиянинг кооперацияни ривожлантириш йўли актив амалга оширилётганлиги балиқ овлашни муваффақият-ли ривожлантиришда муҳим омил эканлиги кенгашда айтиб ўтилди.

Ўтган йили Вьетнам энг кўп миқдорда денгиз маҳсу-лотларини экспорт қилди. Шимолий Вьетнам вилоятла-рининг балиқчилари айниқса муваффақиятли меҳнат қил-моқдалар. Улар шу ойда давалат плани асосий кўрсат-киларини бажариш арафаси-да турибдилар.

ДЕҲЛИ

Ҳиндистонда денгиз геоло-гикаси муваффақиятли ривож-ланмоқда. ЮНИ ахборот агентлигининг хабар бериши-ча, кейинги вақтда мамлакат геология хизмати мутахассис-лари Орисса штати соҳилла-рида минерал ресурслар за-пасларини аниқлаш мақсади-да бир туркум илмий тадқи-қот тажрибаларини ўтказди-лар. Қимматли руда ва мине-ралларнинг катта миқдордаги намуналари тўпланди. Уларни ўрганиш мазкур районнинг геологик хараитасини тузиш учун зарур маълумот беради. ЮНИ агентлиги денгиз геоло-гиясини ривожлантириш мил-лият саноатини турли хом ашё билан таъминлаш вазифалари-ни ҳал этишда кенг истиқбол очиб беради, деб уқтириб ўтади.

МАПУТУ

Мозамбикнинг шаҳар ва қишлоқ аҳолисида қариб беш ярим миллион киши кей-инги вақтда сув манбалари билан пухта таъминланди. Ҳозир мамлакатнинг турли рай-онларида «геомак» давлат ки-нондери — ишлаб чиқариш ко-мпаниясининг 50 та бригадаси ишлаб турибди, деб ёздади «Нотисна» газетаси. Улар-нинг асосий вазифаси — энг муҳим саноат марказларини ва қишлоқларни сув билан таъминлашдан иборат.

Газетанинг маълум қилиши-ча, яқин вақтлар ичида турт мингта янги артезиан қудуғи қазилди. Қудуқларни қазиш-да совет мутахассислари ҳам қатнашди.

АДДИС-АБЕБА

Эфиопия пойтахтида Афри-ка университетлари уюшмаси-нинг 32-сессияси ўз ишчи-ни тавомлади. Сессия қатнаш-чилари кичта кўпгина / мамла-катларидида 75 та олий ўқув юртининг ақиллари ҳамкор-лигини кенгайтириш ва бирга-ликда илмий тадқиқотлар олиб боришга оид тадбирлар комп-лексини қўриб чиқдилар ва маъқуллашди. Сессияда ҳар бир мамлакатнинг конкрет эhtiфаларини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалигининг тур-ли соҳалари учун маълумли-мий кадрлар тайёрлаш проблемаларига катта эътибор берилди.

(ТАСС, 11 май).

